

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2026-yil 13-avgust, payshanba

33 (9405)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИНИНГ УМУМИЙ ВАЗИФАСИГА АЙЛАНМОҚДА

Марказий Осиё учун сув нафақат табиий ресурс, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий тараққиёт ва миллионлаб инсонлар фаровонлигининг асосий пойдеворидир. Аини пайтда минтақа бир вақтнинг ўзида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларга – иқлим ўзгариши, сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, сув ресурсларининг танқислиги ва трансегаравий дарё ҳавзаларига тушаётган босимнинг кучайишига дуч келмоқда. Бундай шароитда мавжуд сув ресурсининг ҳар томчисидан самарали фойдаланиш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Асосий ечимлардан бири сув тежовчи сугориш технологияларини (СТТ) кенг жорий этишдир. Бироқ замонавий технологияларни жорий қилиш учун фақат ускуна ва молиявий ресурсларнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун билимли ва малакали мутахассислар, самарали давлат қўллаб-қувватлаш механизмлари, рақамли воситалар, илмий ёндашув айниқса, Марказий Осиё шароитида мамлакатлар ўртасида доимий тажриба алмашинуви зарур.

Айнан мана шу комплекс ёндашув

Тошкент шаҳрида “Марказий Осиё сув хўжалигида иқлим ўзгариши шароитида сув тежовчи сугориш технологиялари ва рақамли ечимларни жорий этиш” мавзусида ўтказилган минтақавий тренинг асосини ташкил этди. Тренинг “Suvchilar maktabi” ўқув маркази базасида ташкил этилиб, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон мутахассисларини бир майдонга жамлади. Дастур назарий машғулотлар, амалий дарслар, рақамли ечимлар намоишиши



ҳамда ишлаб чиқариш объектларига таширфларни қамраб олди.

Сув қамайган сари самарадорлик асосий ресурсга айланади

Марказий Осиё мамлакатлари учун сувни тежаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги сувнинг энг йирик истеъмолчиларидан бири бўлиб қолмоқда, анъанавий

сугориш усуллари эса кўп ҳолларда сезиларли сув йўқотишларига олиб келади.

Иқлим ўзгариши сув ресурсларига бўлган босимни янада кучайтирмоқда. Ҳароратнинг кўтарилиши, ёғингарчилик режимининг ўзгариши, қургўқчилик даврларининг кўпайиши ва сув учун рақобатнинг кучайиши ресурслардан экстенсив фойдаланишдан аниқ ва бошқарила-

диган сувдан фойдаланишга ўтишни талаб қилмоқда.

Шу сабабли сув тежовчи технологияларни фақат фермер хўжалиги учун алоҳида техник восита сифатида кўриш етарли эмас. Улар сув ресурсларини бошқаришнинг янада кенг тизимининг бир қисми ҳисобланади.

Томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш, замонавий филтрлаш тизимлари, сув бериш жараёнини автоматлаштириш, метеорологик маълумотлардан фойдаланиш, рақамли мониторинг ва бошқа ечимлар “қўпроқ сув бериш” тамойилидан “сувни керакли вақтда, зарур миқдорда ва айнан ўсимликка зарур бўлган жойга бериш” тамойилига ўтиш имконини беради.

Тренинг концепциясида ҳам сув тежовчи технологияларни ривожлантириш сув йўқотишларини қамай-тириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш ва минтақанинг сув хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланган. Бироқ технологиянинг ўзи муаммони автоматик равишда ҳал қилмайди.

Асосий тўсиқ фақат ускуна нархи эмас

Сув тежовчи технологияларни жорий этиш масаласи томчилатиб сугориш ленталари, насослар, филтрлар ёки қуворлар харидидан анча кент тушунчадир.

(Давоми 3-саҳифада)

КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ – ФАОЛИЯТИМИЗ ДАСТУРИЛАМАЛИ

Бугун мамлакатимизда барча соҳада туб бурилиш яшаш, халқимиз учун муносиб ҳаёт ва меҳнат шароитини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор мақсадига айланган.

Бу борада илм-фан, таълим ва инновациялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилиниб, унинг ижросини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, аниқ дастур ва комплекс чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу ислохотлар натижасида олий таълим тизими сифат жиҳатидан мутлақо янги bosқичга кўтарилди. Айниқса, техника ва муҳандислик таълимига қаратилган эътибор мамлакатимиз саноатини ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар асосида техника университетлари иқтисодиёт тармоқларининг инновацион тараққиётига хизмат қиладиган замонавий муҳандислар тайёрлашнинг таянч масканларига айланмоқда.

Фаргона давлат техника университетига ҳам мазкур ислохотлар изчил амалга оширилляпти. Сўнги йилларда университет фаолиятининг барча йўналишларида эришилган натижалар бунинг ёрқин исботидир. Энг аввало, таълим сифатини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Натижада университетнинг “Қурилиш муҳандислиги”, “Геодезия ва геонформатика”, “Муҳандислик коммуни-кациялари қурилиши ва эксплуатацияси” ҳамда “Архитектура” таълим дастурлари Европанинг нуфузли ASIIN ташкилоти томонидан муваффақиятли халқаро аккредитациядан ўтди. Бу билим даргоҳи-мизда таълим мазмуни ва сифати халқаро талабларга тўлиқ мос равишда шаклланаётганининг яна бир эътирофидир. Аини пайтда университет Буюк Британиянинг нуфузли QAA ташкилоти томонидан институционал аккредитациядан ўтиш жараёнини ҳам изчил давом эттирмоқда. Ушбу жараённинг икки bosқичи муваффақиятли якунланиб, ҳозирда учинчи bosқич амалга оширилмоқда. Эътиборли жиҳати, мазкур халқаро аккредитация жараёнлари Осиё тараққиёт банкининг грант маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Университетимиз халқаро рейтингларда ҳам муносиб ўринларни эгалламоқда. “Times Higher Education Sustainability Impact Ratings–2026” натижаларига кўра, Фаргона давлат техника университети дунёнинг энг яхши мингта олий таълим муассасаси орасида 401-ўринни эгаллади. Шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича SDG-7 “Арзон ва тоза энергия” йўналишида дунёда 6-ўрин, SDG-2 “Очликка барҳам бериш” бўйича 69-ўрин, SDG-6 “Тоза сув ва санитария” бўйича эса 87-ўрин қайд этилди.

(Давоми 2-саҳифада)



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

“ҚОВУН САЙЛИ” – МИРИШКОР МАЙЛИ(МИ?)

САЙЛДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

“Уч ой совуним, уч ой қовуним, уч ой қоғовим, уч ой чағовим” матали минг йилларки, воҳа одамлари тирикчилиги манбаларидан хабар беради. Йил – ўн икки ойнинг чорак қисми қовунхўрлик билан ўтиши қадим отасўзда муҳрланган. Аслида, эртапишар қовун навлари май ойи адоғида бозорларга чиқиши, то куз оёғигача эртаги, ўртаги навлар бирин-кетин пишиб, етилиши ва ниҳоят кечки навлари узиб олиниб, қадим усулларда токи эрта баҳоргача сақлаб қўйилишини айтсак, хоразмликлар деярли йил давомида қовун тотишлари маълум бўлади.

Юртимизда барча соҳаларда тезкор ва самарали олиб борилаётган ислохотлар қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат тармоқлари ривожига ижобий таъсирини ўтказди. Бунинг мавзусидан келиб чиқиб айтсак, миришкор аҳлининг “қуни турди”, дея икки сўзда ифодаласак бўлади. Бугун воҳада мингта яқин полиз-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Бугина эмас, аҳоли илкдаги қўшимча томорқаларига ҳам қовун экиб, яхшигина даромад кўтаришляпти. Воҳага ташириб буюраётган сайёҳлар Хоразм қовуни номини қисқа фурсатда дунёга танитишди. Бунга эса ҳар йили август ойи бошламасида қадим Хива шаҳрида “Қовун сайли” ўтказилиши анъанага айланган мустаҳкам пойдевор бўлди.

Бу йилги “Қовун сайли” ўзгача бўлди, бетакрор бўлди, ҳайратланарли бўлди. Даб-

даба-ю асҳасасини айтманг! Бошламада сайл қамтаргина ташкиллаштирилганини биламиз. Ғолибларга мукофотлар ҳам шунга мос – унчалик қимматбаҳо бўлмаган электрон воситалар эди. Илк бора ғолибга энгил машина берилиши эълон қилингани қанчалар шов-шувларга сабаб бўлганди. Бу йил эса ғолибларга бир эмас, бир нечта машина берилди. Яна барчаси қимматбаҳо, замонавий машиналар. Яна “Хоразм қовуни” Гиннесснинг рекордлар китобига ҳам киритилди. (Бу борада ойнана жаҳон орқали ва ижтимоий тармоқларда етарлича ёритилгани сабаб такрорлашдан чекинамиз).

7-8 ва 9 август кунлари қадим Хива аҳолиси бир неча бараварга кўпайди. Сайл бўлиб ўтадиган манзил атрофидаги йўллар вақтинча бекитилгани бежизга эмас.

(Давоми 2-саҳифада)

JIZZAX VILOYATI



Agrobank

AGROBANKNING HAYOTBAXSH LOYIHALARI AHOLI FAROVONLIGIGA XIZMAT QILMOQDA

Agrobank tomonidan Baxmal tumanida “Dolzab 40 kunlik” doirasida mahallalarni rivojlantirishga bag'ishlangan amaliy seminar o'tkazildi. Tadbirda Jizzax va Sirdaryo viloyatlaridan hokim o'rinosarlari, bandlik sohasi rahbarlari, tijorat banklari, Mahallalar uyushmasi va “Agrostar” kompaniyalari vakillari ishtirok etdi. Seminarining asosiy maqsadi – mahallalarni ixtisoslashtirish, “tayanch mahalla” va “ixtisoslashgan mahallalar klasteri” modellari asosida hududlarni kompleks rivojlantirish, “Agrostar” kompaniyalari bilan hamkorlikda “yetishtirish – qayta ishlash – saqlash – qadoqlash – sotish” zanjirini shakllantirish bo'yicha ilg'or tajribalarni keng ommalashtirish hamda ularni boshqa hududlarda ham samarali joriy etish mexanizmlarini takomillashtirishdan iborat.

(Davomi 2-sahifada)



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

САҲНА – ҚАЛБЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ МАЪНАВИЙ МАСКАН

Қарийб бир асрлик тарихга эга Наманган вилояти мусиқали драма театрининг ижодий йўли миллий театр санъатимиз тараққиётининг муҳим саҳифаларидан бирини ташкил этади. 1931 йилда ўз фаолиятини бошлаган театр йиллар давомида турли даврларнинг синовларини энгиб, юзлаб спектакллар, ўнлаб истеъдодли актёр ва режиссёрларнинг ижодий меҳнати билан ўз мактабини яратди. Унинг саҳнасида миллий драматургия дурдоналари билан бир қаторда жаҳон классикаси намуналари ҳам муваффақиятли талқин этилди. Бугун эса бу бой аъёналар янги авлод ижодкорлари томонидан муносиб давом эттирилмоқда.

Айни пайтда драма театри 95-мавсумни янги ижодий режалар, ранг-баранг репертуар ва томошабинларнинг юксак қизиқиши билан қарши олмақда. Миллий ва жаҳон драматургияси асосидаги спектакллар, тарихий асарлар, замонавий мавзулар, ёш режиссёрлар изланишлари ҳамда устоз-шоғирд аъёналари театр ҳаётига янги руҳ бағишламоқда. Театрнинг бугунги қиёфаси, қарийб бир асрлик ижодий тажрибаси, 95-мавсумдаги янгиликлар, томошабинлар билан муносабат ва келгусидаги режалар ҳусусида театр директори **Нозимжон Тошпўлатов** билан суҳбатлашдик.

– Наманган вилояти мусиқали драма театрининг тарихи 1931 йилдан бошланади. Қарийб бир асрлик ижодий йўлни бугун қандай баҳолайсиз?

– Наманган театри тарихи бу шунчаки бир ижодий жамоанинг эмас, балки вилоят маданияти, миллий театр санъати тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ улкан тарихдир.

1931 йил 15 июнда Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри Абқар Султоновнинг “Интилиш” спектакли билан ўз фаолиятини бошлаган. Спектакль номи ҳам бежиз танланмаган. Унда янгиликка интилиш, изланиш, мақсад сари дадил ҳаракат ғоялари мужассам эди.

Театрнинг илк қадамлари маҳаллий мактаб ва техникум ўқитувчиларидан ташкил топган драматик тўғарақ фаолияти билан боғлиқ. Раззоқ Ҳамроев ва Набижон Розикий каби фидойилар бошчилигида шаклланган бу ижодий



мухит кейинчалик профессионал театрининг пойдевориغا айланди.

1931 йил 25 июнда дастлабки премьерадан сўнг Давлат драма театрини ташкил этиш

ҳақида қарор қабул қилингани ҳам бу жараённинг нақадар жадал кечганидан далолат беради.

– Театр тарихида турли даврлар, турли ижодий мактаблар бўлган. Қайси bosқичларни алоҳида эътироф этган бўлардингиз?

– Ҳар бир даврнинг театр тараққиётида ўз ўрни бор. 1930 йилларда жамоа саҳна санъатининг сирларини эгаллаш, профессионал маҳоратни шакллантириш йўлидан борди. “Хўжум”, “Маликаи Турандот”, “Ҳалима”, “Рус-там”, “Тор-мор”, “Номус ва муҳаббат”, “Бой ила хизматчи” каби асарлар саҳна юзини кўрди. Айниқса, режиссёрлар Амин Турдиев ва Раззоқ Ҳамроевларнинг истеъдодли актёрлар билан ҳамкорлиги театрининг ижодий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

1936 йилда театрга буюк мутафаккир Алишер Навоий номи берилгани эса жамоа учун катта шараф ва масъулият эди.



Уруш йилларида театр санъаткорлари ҳам халқ билан бир сафда бўлди. Оталик концерт бригадалари ҳарбий қисмларда, фронтга отланаётган аскарлар олдида чиқишлар қилди. Ватанпарварлик руҳидаги спектакллар саҳналаштирилди.

Бу даврда Днепропетровскдаги Тарас Шевченко номи Украина Давлат театрининг фронт бригадаси Наманганга кўчирилгани ҳам театр ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ўзбек ва украин санъаткорларининг ижодий ҳамкорлиги самарасида “Дунай ортидаги запорожялик” комик операси саҳналаштирилди.

(Давоми 4-саҳифада)

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИНИНГ УМУМий ВАЗИФАСИГА АЙЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Тизимдан самарали фойдаланиш учун фермер уни қандай тўғри лойиҳалаш, ўрнатиш ва ишлатишни билиши зарур. Экин тури, тупроқ хусусиятлари, сув манбаси, ернинг рельефи, сўғориш режими ва иқлим шароитларини ҳисобга олиш муҳим.

Усқуналарга техник хизмат кўрсатиш ва уларнинг ҳолатини ўз вақтида диагностика қилиш ҳам шунчалик муҳим. Ҳатто замонавий тизим ҳам параметрлар нотўғри ҳисобланган, сифатли филтрлаш таъминланмаган ёки фойдаланиш режими бузилган тақдирда самарасиз ишлаши мумкин.

Шу боис, инсон капитали сув тежамкорлигининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланмоқда.

Минтақавий тренингдан ҳам айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Унинг вазифалари нафақат иштирокчиларни замонавий технологиялар билан таништириш, балки сўғориш тизимларини эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва лойиҳалаш бўйича амалий кўникмаларни ривожлантириш, шунингдек, давлат муассасалари, илмий ташкилотлар ва сув ҳўжалиги соҳасидаги амалиётчилар ўртасида тажриба алмашишдан иборат бўлди.

Субсидиядан рақамли реестрғача:

СТТ экотизимининг аҳамияти

Ўзбекистон тажрибаси сув тежовчи технологияларни кенг миқёсда жорий этиш комплекс давлат сиёсатини талаб қилишини кўрсатмоқда.

Тренинг доирасида иштирокчилар СТТни жорий этишни рағбатлантиришнинг норматив-ҳуқуқий ва молиявий механизмлари, жумладан, субсидия ва кредитлаш тизими билан танишдилар. Алоҳида сессиялар “Suvcredit” тизими, шунингдек, Сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси доирасидаги “Томчи” мобил иловаси ва ягона “Томчи” реестрига бағишланди.

Шу тарихда меъёрий тартибга солиш ва молиявий рағбатлантиришдан тортиб, сувдан фойдаланувчиларни рақамли қўллаб-қувватлаш ва мутахассислар тайёрлашга қадар бўлган яхлит қўллаб-қувватлаш тизими шаклланмоқда. Бу айниқса муҳим, чунки СТТни жорий этиш бир марталик қадамга эмас, балки узок муддатли ва барқарор жараён бўлиши лозим.

Давлат кўмаги дастлабки молиявий тўсиқларни камайтиришга имкон беради. Таълим мутахассислар ва сувдан фойдаланувчиларга зарур билимларни беради. Рақамли воситалар маълумотларни бошқариш ва янада асосланган қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Ишлаб чиқариш базаси эса усқуна ва бутловчи қисмларнинг мавжудлигини таъминлайди.

Айнан шу омилларнинг уйғунлиги технологияларни кенг миқёсда жорий этиш учун шароит яратади.

Назария ўрнига амалиёт

Тренингнинг муҳим хусусиятларидан бири иштирокчилар технологияларни фақат тақдимот слайдларига эмас, балки амалиётда кўриш имкониятига эга бўлганидир.

Амалий қисмда томчилатиб сўғориш тизимларининг тузилиши – насос станциялари ва филтрлардан тортиб магистрал ва тарқатувчи қувурлар, фитинглар, томизгичлар, томизувчи шланглар ва лента-ларгача ўрганилди. Тизимларни эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг тажриба-намоийш майдончасида иштирокчилар қишлоқ ҳўжалиги экинларини сув билан таъминлашни тақомиллаштириш, шунингдек, метеорологик маълумотлар асосида сўғориш режимларини белгилашда метеостанциялардан фойдаланиш имкониятлари билан танишдилар.

Бу принципал жиҳатдан муҳим ёндашувдир.

Замонавий сув тежамкорлиги энди фақат сувни механик равишда тежашдан иборат эмас. Бу маълумотларга асосланган сўғоришни бошқаришдир.

Об-ҳаво, тупроқ ҳолати ва экинларнинг эҳтиёжлари ҳақидаги маълумот қанчалик аниқ бўлса, сув беришнинг зарур ҳажми ва вақти шунчалик аниқ белгиланади.

Дастурнинг яна бир муҳим қисми сув тежовчи тизимлар элементларини ишлаб чиқариш, уларни комплекшлаш ва лойиҳалаш асослари билан танишишдан иборат бўлди.

Бундай ёндашув СТТга бир вақтнинг ўзида давлат регулятори, муҳандис, тадқиқотчи, ишлаб чиқарувчи ва якуний фойдаланувчи нуктаи назаридан қараш имконини беради.



Минтақавий тренинг Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (SDC) томонидан молиялаштирилаётган Ўзбекистонда Сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси ва Blue Peace Central Asia (BPCA) лойиҳаси доирасида ташкил этилди. SDC кўп йиллардан буюн сув секторини ривожлантириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, иқлим барқарорлиги ва касбий салоҳиятни ривожлантиришга қаратилган ёндашувларни илгари суришда ҳамкор сифатида иштирок этиб келмоқда.

Бундай ҳамкорликнинг аҳамияти алоҳида тадбирларни молиялаштириш доирасидан анча кенг. Халқаро лойиҳалар

мамлакатлар ўртасида билим ва технологиялар учун рақобат эмас, балки уларни ўзаро алмашиш имконини берувчи майдон яратишга хизмат қилади.

Бу Марказий Осиёнинг сув ҳўжалиги учун айниқса муҳим. Сув маъмурий чегараларни билмайди. Дарёлар ва ҳавзалар мамлакатларни жисмонан боғлаб туради. Демак, бир мамлакатда сувдан барқарор фойдаланишни таъминлаш бошқа мамлакатларда қабул қилинаётган қарорлар билан ҳам узвий боғлиқ. Тренинг концепциясида ҳам минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш, билим алмашинуви ва мутахассислар салоҳиятини мустақамлаш

Сўз минтақавий тренинг иштирокчиларига!



Алибек ТАШТАНОВ,
Қирғиз Республикаси Сув ресурслари, қишлоқ ҳўжалиги ва қайта ишлаш саноати вазирлиги ҳўзирдаги Сув ресурслари хизмати вакили:

– Уч кундан буюн Ўзбекистоннинг сув тежовчи технологияларини жорий этиш тажрибаси билан танишамиз. Бизга берилган маълумотларга кўра, мамлакатдаги 4,3 миллион гектарга яқин сўғориладиган майдоннинг

61 фоизида сув тежовчи технологиялар қўлланилмоқда. Бу катта натижа. Қирғизистонда ҳам бу йўналишда ишлар олиб бориляпти. Бизда ҳам сув тежовчи технологиялар қўлланилади, аммо ҳозирча қамров унчалик кенг эмас. Шунинг учун бундай семинарлар орқали кўшни давлатлар тажрибасини ўрганиш биз учун жуда фойдалди.

“Сувчилар мактаби” фаолияти ҳам менда катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда назарий билим билан бирга амалий машғулотларга ҳам катта эътибор берилган. Томчилатиб сўғориш тизимларини тажриба майдонидан кўриш, уларнинг ишлаш тартибини бевосита мутахассислардан ўрганиш имконияти бор.

Эшитишимча, келгуси йили “Сувчилар мактаби”нинг ўш шаҳрида филиалини очиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бу жуда яхши ташаббус. Агар келгусида бундай марказлар Қирғизистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этилса, соҳа мутахассислари учун катта имконият бўлар эди.

Семинардаги маърузалар ҳам аниқ ва тушунарли тарзда олиб борилмоқда. Мутахассислар технологияларнинг ишлаш тартибини амалиёт билан боғлаб тушунтиряпти. Шунинг учун бу ерда олаётган билим ва тажрибамиз кейинги фаолиятимизда асқатади, деб ўйлайман.

Энг муҳими, бу каби учрашувлар Марказий Осиё давлатлари мутахассисларини бир жойда жамлаб, ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилади. Амударё ва Сирдарё бутун минтақа учун умумий аҳамиятга эга. Шунинг учун сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласида биргаликда ҳаракат қилишимиз керак.

Ҳамкорлик қанчалик кучли бўлса, натижа ҳам шунчалик юқори бўлади.



Зокир ИШПУЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлигининг биринчи ўринбосари:

– Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари иқлим ўзгариши, аҳоли сони ва сувга бўлган талабнинг ортиши, мавжуд сув ресурсларининг камайиши билан боғлиқ жиддий тақрирларга дуч келмоқда. Бундай шароитда ҳар бир куб метр сувдан самарали фойдаланиш озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш ва экологик мувозанатни сақлашнинг муҳим шартидир. Шу боис, сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, соҳани рақамлаштириш ва мутахассислар салоҳиятини ошириш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан сўнгги йилларда сув ҳўжалигини модернизация қилиш бўйича кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сув тежовчи технологияларни жорий этаётган қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари субсидия ва имтиёзли кредитлар орқали қўллаб-қувватланмоқда, томчилатиб ва ёғирилатиб сўғориш усқуналарини маҳаллий ишлаб чиқариш ривожлантирилмоқда.

Натижада, замонавий сўғориш технологиялари қўлланилаётган майдонлар йилдан-йилга кенгайиб, сувдан самарали фойдаланиш маданияти юксалиб бормоқда.

Айни пайтда соҳада рақамли трансформация жараёнлари ҳам жадал кечмоқда. Сув ресурсларини бошқариш, ҳисоб ва мониторингнинг тақомиллаштириш мақсадида электрон ахборот тизимлари, мобил иловалар ва замонавий рақамли платформалар жорий этилмоқда.

Мазкур тренинг давомида иштирокчилар ТОМСН мобил иловаси, сув тежовчи технологияларнинг Ягона электрон реестри, фермерларга кўрсатилаётган рақамли хизматлар, агрометеорологик маълумотлар асосида сўғоришни режалаштириш каби замонавий ечимлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбирнинг амалий жиҳати ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Иштирокчилар томчилатиб сўғориш тизимларини лойиҳалаш, эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш жараёнларини ўрганиб, намоийш майдонлари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишдилар.

Ишончим комилки, назарий билимлар, амалий тажриба ва илғор ечимларни ўзаро алмашиш мутахассисларга замонавий технологияларни ўз мамлакатларида самарали қўллаш имконини беради.

Сув ресурслари Марказий Осиё халқларини азалдан бирлаштириб келган умумий неъматдир. Шунинг учун уларни оқилона ва барқарор

SDC томонидан қўллаб-қувватланаётган лойиҳаларнинг муҳим йўналишлари сифатида белгиланган.

Минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш янги авлод мутахассисларини тайёрлашсиз бўлмайди. Тренингнинг мақсадли аудиториясига ёш мутахассислар ва сув ҳўжалиги соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизлар ҳам киритилди.

Марказий Осиё учун сув тежамкорлиги энди анъанавий ва замонавий сўғориш усуллари ўртасидаги таллов масаласи эмас. Бу минтақанинг келажаги масаласи.

Қишлоқ ҳўжалиги учун қанча сув

мавжуд бўлади? Озик-овқат хавфсизлигини қандай таъминлаш мумкин? Иқлим ўзгаришига қандай мослашамиз? Сув йўқотишларини қандай камайтириш мумкин? Ҳар бир куб метр сувнинг маҳсулдорлигини қандай ошириш мумкин? Ва ниҳоят, бир мамлакатда қабул қилинган қарорлар қўшни давлатлар учун қўшимча хавф туғдирмаслигини қандай таъминлаш мумкин?

Бу саволларга жавобни биргина соҳа ёки биргина давлат доирасида топиб бўлмайди.

Бунинг учун технологиялар, инвестициялар, рақамлаштириш, илмий



билимлар, кадрлар тайёрлаш ва энг муҳими, ишонч ҳамда ҳамкорлик зарур.

Тошкентда ўтказилган минтақавий тренинг ана шундай ёндашувнинг амалий мисолларидан бири бўлди. Марказий Осиёнинг бешта мамлақати мутахассисларини, давлат ташкилотлари, таълим ва илмий муассасалар, соҳадаги амалиётчилар, халқаро ҳамкорлар ва ривожланиш лойиҳаларини бир майдонга бирлаштирган мазкур тадбир нафақат технологиялар, балки тажриба, билим ва амалий ечимлар алмашинуви учун муҳим платформа вазифасини бажарди. Тренингнинг учинчи кун иштирокчилар Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида жойлашган “AGRO NEW DRIP” МЧЖ фаолияти билан танишди. Корхона VITAND бренди остида сув тежовчи сўғориш тизимлари учун полиэтилен қувурлар, томчилатиб сўғориш шланглари ва бошқа полимер маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Ташриф давомида меҳмонларга маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни, уларнинг техник хусусиятлари ва қишлоқ ҳўжалигида қўлланилиши ҳақида маълумот берилди. Корхона фаолияти иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Улар ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулотларнинг сифати, томчилатиб сўғориш тизимларида қўлланилиши ҳамда сувни тежаш имкониятлари бўйича саволлар берди. Саволларга корхонанинг тегишли мутахассислари батафсил жавоб қайтарди.

Тренинг якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.



Аманберди БЕГЛАНОВ,
Туркменистон Ҷўлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси институти бош муҳандиси:

– Семинар давомида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, иқлим ўзгариши шароитида сўғориш режимида ва меъёрларини тўғри белгилаш бўйича қўллаб янги билим ва амалий тажрибаларга эга бўлди. Турли мамлакатлардан келган мутахассис ва олимлар ўз илмий ишланмалари ҳамда соҳадаги тажрибаларини тақдим этди. Биз учун, айниқса, қишлоқ ҳўжалигида сувдан оқилона фойдаланишга доир ёндашувлар қизиқарли бўлди. Бу ерда олган билимларимиз ва илмий янгилликларни келгусида қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда қўллашни режалаштирялмиз.

Семинар мобайнида Тошкент вилоятидаги томчилатиб сўғориш тизимлари учун зарур бўлган жиҳозлар – магистрал қувурлардан тортиб томизгичлар ва бошқа агрегатларгача ишлаб чиқарилувчи “Agro New Dripp” корхонасида бўлди. Бу ерда қишлоқ ҳўжалигида, жумладан, пахта етиштиришда қўлланилаётган сўғориш ечимлари билан яқиндан танишди. Ўзбекистонда бу йўналишга комплекс ёндашилаётгани, яъни, технологияларни жорий этиш билан бирга улар учун зарур усқуна ва жиҳозларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришга ҳам эътибор қаратилаётгани бизда ижобий таассурот қолдирди.

Бугун сувни тежаш масаласи дунёнинг қўллаб мамлакатлари учун долзарб. Марказий Осиёда эса бу эҳтиёж янада яқол сезилмоқда. Иқлимдаги ўзгаришлар ва сувга бўлган талабнинг ортиши мавжуд ресурслардан янада тежамкор фойдаланишни тақозо этипти. Шу маънода, бундай семинар ва амалий ташрифлар янги ечимларни ўрганиш, тажриба алмашиш ва самарали усқуналарни амалиётта татбиқ этиш нуктаи назаридан муҳим. Бу ерда кўрган ишланмаларимиз бизда катта қизиқиш уйғотди.

Туркменистонда ҳам сув ҳўжалиги инфратузилмасини тақомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Янги насос станциялари қуриляпти, каналларнинг қопламаларини янгиллаш ва қувур тармоқларини барпо этиш ишлари олиб бориляпти. Шу билан бирга, томчилатиб ва ёғирилатиб сўғориш усқуналари ҳам кенгайтирилмоқда.

Бу чора-тадбирлар сув йўқотишларини камайтириш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш ва аграр соҳада самарадорлиқни оширишга қаратилган. Бугунги иқлим шароитида бундай ёндашувлар қишлоқ ҳўжалиги учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.



Назокат ИСАЕВА,
Blue Peace Central Asia лойиҳаси раҳбари ўринбосари, Халқаро табиатиш муҳофазаси қишлоқ иттифоқи (IUCN) вакили:

– Иқлим ўзгаришлари, сув танқислигининг кучайиши ва сув ресурсларига бўлган талабнинг ортиши Марказий Осиё мамлакатлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бундай шароитда сувдан самарали фойдаланиш, замонавий сўғориш технологияларини кенг жорий этиш ва сув ҳўжалигини рақамлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Тренингнинг асосий мақсади – Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Туркменистон мутахассисларини Ўзбекистонда сув тежовчи технологияларини жорий этиш, улардан самарали фойдаланиш ва соҳада рақамли ечимларни қўллаш бўйича тўпланган амалий тажриба билан таништиришдир.

Дастурда сув тежовчи технологияларни рағбатлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ва молиявий механизмлари, томчилатиб сўғориш тизимларини лойиҳалаш, ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, сув ресурсларини бошқаришда замонавий рақамли воситалардан фойдаланиш масалалари қамраб олинган.

Назарий машғулотлар билан бир қаторда технологиялар намоийши, амалий машғулотлар ва объектларга ташрифлар ҳам ташкил этилмоқда. Бу иштирокчиларга илғор ечимларнинг амалиётда қандай ишлашини бевосита кўриш имконини бermoқда.

Тренингда Марказий Осиё мамлакатларининг соҳавий вазирилик ва идоралари, сув ҳўжалиги ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим даргоҳларидан 30 нафардан ортиқ мутахассис иштирок этмоқда. Ёш мутахассислар ва сув соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизлар иштирокига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Тадбир доирасида сув ҳўжалигини рақамлаштириш масаласига ҳам катта ўрин берилган. Ахборот платформалари, мобил иловалар ва бошқа рақамли воситалар сувга бўлган эҳтиёжни аниқ баҳолаш, сув тақсимотини мақбуллаштириш ва асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Мазкур тренинг нафақат замонавий технологиялар бўйича билим ва кўникмаларни ошириш, балки Марказий Осиё давлатлари мутахассислари ўртасида доимий тажриба алмашинуви ва касбий ҳамкорлиқни мустақамлашга хизмат қилади.

“Томошабин ишончини оқлаш, саҳнага ҳар сафар янги фикр, янги руҳ ва янги нафас билан чиқиш учун меҳнат қиламиз”

Қишлоқда туғилдим, катта бўлдим, дастлабки билимларимни ҳам шу ердаги кичик мактабда олдим. Ҳар куни тонг саҳарда қўй-молларни ўтлоққа ҳайдаб, ўт ўриб келардик, кейин нонушта қилиб, мактабга шошилардик. Бош фарзандлигим учун бўлса керак, отам “мактабга кетдим”, десалар беш ёшмдан мен ҳам бораман, дея эргашардим. Олти ёшда биринчи синфга борганман. Мактабда аъло ўқиш керак, чунки “Домланинг ўғли ўқизи ва хулқи билан намуна бўлиши керак”, деган отамнинг гапи қулоғимда жаранглаб турарди. Шунинг учун бошқаларга қараганда кўпроқ ҳаракат қилиб, яхши баҳолар билан ўқишга интилардим. Отам кўпинча мени велосипедининг оркасига миндириб, мактабга олиб борардилар.

Умр – йўл, қайрилиш кўп...

Йўл-йўлакай нима учун яхши ўқиш кераклигини, қандай касб эгаси бўлиш лозимлигини тушунтиришдан чарчамас-дилар. Ўқишни тавсия қилган китоблари қизикарли бўлиб, алламаҳалгача ўқиб чиқардим. Бундан ташқари, янги-янги газета-журналлар олиб келарди. Улардаги ҳикояларни берилиб ўқирдим. Ҳикоя нима, нима учун қисса ёки роман дейилади, каби саволларимга отам бирма-бир жавоб берардилар. Мактаб-ни тугатгач, биринчи йили институтга кира олмадим. Бир йил давомида яна қишлоқда ишлаб, бир вақтнинг ўзида тайёргарлик кўрдим ва иккинчи йили ўқишга кирдим. Иқтисодчи касбини танлашимга ота-онам сабаб бўлди. Институтни битиргач, колхозда иқтисод-чи бўлиб иш бошладим. Кейин туман ёшлар қўмитаси бўлим мудири, иккин-чи котиби лавозимларида ишладим. Республика ёшлар қўмитаси, вилоят партия қўмитасида ишлаб, Пахтачи тумани партия қўмитаси иккинчи ко-тиби лавозимида ишладим. Жамият фаолиятига қизгин киришган шундай пайтимида катта зарбага дуч келдим: вилоят амалдорининг махфий топши-риғи ва ёнимдаги бир-икки раҳбарнинг сотқинлиги туйғайли фаолиятдан кетиб қўчада қолганман. Ўзимча “бундан кей-ин раҳбарлик ишида ишламайман”, де-ган қарорга келдим ва илм-фан йўлини

танладим. Шундай аҳд билан илмий текшириш институтига кичик илмий ходим бўлиб ишга кирдим. Илмий раҳ-барим, академик, иқтисод фанлари доктори Саид Усмоновнинг ўғитлари, йўл-йўриқлари билан иқтисод фанлари номзоди, доцент бўлдим. Инсон дунёга эркин бўлиб келади, аммо ҳақиқий эр-кинликни у фақат илм орқали топишини ҳис қила бошладим. Чунки илм бу нур, нур эса зулматни йўқотади. Жаҳолат бор жойда қўркув бўлади, қўркув бор жойда эса, қарамлик пайдо бўлади. Илм эса инсонни ана шу қарамликдан озод қилади. Илмли инсон воқеликка қўзини очиб қарайди, эшитган ҳар бир гапга ишонавермайди, ҳар мақомга йўрға-лайвермайди. У ўйлайди, таҳлил қила-ди, солиштиради ва хулоса чиқаради. Ана шу мустақил фикрлаш қобилияти эркинликнинг энг олий кўринишидир. Эркинлик фақат тананинг озодлиғи эмас. Агар инсон фикран қарам бўлса, у қанчалик шароити яхши бўлмасин, барибир эркин эмас. Илм эса фикрни чарқлайди, дунёқарашни кенгайтиради, қалбга ишонч беради. Илмли одам ўз ҳақ-ҳуқуқини билади, ўз қадрини ан-глайди ва ҳаётда ўз ўрнини топа олади. Тарихга назар ташласак, тараққиёт илм билан келганини кўрамиз. Жамиятни олға етаклаганлар – олимлар, мутафак-кирлар, зиёлилар бўлган. Улар нафақат

ўзлари эркин бўлишган, балки бутун миллатни ҳам эркинлик сари бошла-ган. Шунинг учун ҳам илм бойлиқдан устун, мансабдан юқори, куч-қудратдан қимматроқдир. Чунки бойлик йўқоли-ши мумкин, мансаб тугаши мумкин, куч заифлашиши мумкин. Аммо илм инсон билан бирга яшайди ва уни ҳар қандай вазиятда ҳимоя қилади. Хулоса қилиб айтганда, илм бу инсоннинг ички озодлиғидир. Ҳақиқий эркинлик сари энг тўғри йўл бу илм йўлидир. Аммо илм йўли доимо осон бўлма-ган. Бу йўлда сабр ҳам, матонат ҳам, ирода ҳам керак экан. Талайгина ёшлар иқтисодий танглик оқибатида инсти-тутдан кетиб қолишди ва кўпчилиги кейинчалик афсус ҳам қилишди. Илмий-тадқиқот институтига ишга қабул қилинган куним хануз ёдимда. Ёшман, орзуларим катта, кўнглимда ишонч бор, лекин маош етарли эмас. Шу даврда мамлакатда кооператив ҳаракатлари энди-энди ривожлана бошлаган эди. Ҳамма изланишда, за-мон ўзгармоқда, имкониятлар пайдо бўлмоқда эди. Ана шундай пайтда Ёш олимларнинг илмий-техника ижоди-ёти маркази ташкил этилди. Бу марказ ёш олимлар учун янги майдон, янги имконият эди. Агар ҳўжалик субъек-тлари билан шартнома тузилиб, иш бажарилса, даромаднинг ўттиз фоизи



марказга, етмиш фоизи эса ишни амалга оширган олимга бериларди. Мен ҳам бу имкониятдан фойдаландим. Илмий билимимни амалиёт билан боғладим. Кундузи институтда иш, кечқурун хи-соб-китоб, лойиҳа, тажриба, ҳужжат-лар... Меҳнатим самара берди – яхши иқтисодий даромад олдим. Бу нафақат моддий томондан енгиллик яратди, балки ўзимга бўлган ишончимни янада мустаҳкамлади. Илмим моддий самара бераётганини ҳис қилиш бу алоҳида руҳий қувонч эди. Мен учун бу нафақат пул, балки ўз меҳнатим қадрланаётган-нининг исботи эди. Ниҳоят, кооператив квартира олдим. Бу оддий квартира эмас эди, бу сабрнинг, изланишнинг, илмга ишончнинг меvasи эди. Оилам учун барқарорлик, фарзандларим учун ишон-чи уй, мен учун эса ҳаётимдаги янги босқич эди. Шу давр менга бир нарсани аниқ англатди: илм инсонни фақатгина фикран эмас, иқтисодий жиҳатдан ҳам эркин қилади. Илмга суянган одам қий-инчилик олдида синмайди, у йўл топа-ди, имконият яратади, тақдирини ўзи қуришга қодир бўлади. Худди шундай, кейинчалик ишларим юришиб кетди. Домлам С. Усмонов билан Республика шахсий ёрдамчи ҳўжаликлари уошма-сини ташкил этдик. 1991 йил “Ўзбекитуризм миллий ком-панияси” ташкил этилиб, компаниянинг

валюта-молия бошқармаси бошлиғи лавозимида ишладим. Кейин “Ўзсаёҳат инвест банк” банкни ташкил этиб, унга раис бўлдим. Президент девонида 12 йилдан кўпроқ ишладим. Бу масканда кўп нарсаларни ўргандим.

Ёш Нормаматга!

Бу ҳаётда инсон ўзини ўзи бошқа-ра олиши керак. Тўғри, бу жуда қийин, лекин шунга ҳаракат қилиши керак. Ҳар бир нарсада меъёр бўлиши жоиз. Бунинг учун ақлли инсонлар суҳбатда бўлиш, кўп китоб ўқиш керак. Ҳаётда қийин кунлар бўлади. Баъзида меҳна-тинг қадрланмайди. Баъзида ишонган одамнинг кўнглингни қолдиради. Баъзи-да қанча ҳаракат қилсанг ҳам, ишларинг юришмайди. Шундай пайтларда инсон ўзини йўқотмаслиги лозим. Бугун мен биламан: қийинчиликлар инсонни син-дириш учун эмас, унинг ҳақиқий кучини кўрсатиш учун берилар экан. Сенга ана бир нарсани айтган бўлар-дим: фарзандларинга вақт ажрат, улар-нинг болалигини “кейин”га қолдирма. Чунки болалик – қайтиб келмайдиган меҳмон. Сен ишлайсан, тиришасан, рўзгор ташвишида югурасан, “ҳали вақт кўп”, деб ўйлайсан. Вақт кўп эмас. Бугун беш ёшдаги фарзанднинг эртага йиғирма ёшга киради. Кеча қўлидан

ушлаб юрган боланг бутун сенинг ел-кадошинг бўлади. Шунинг учун уларни фақатгина боқма, улар билан яшагин. Жуфти ҳалолингни қадрла. Ҳаётда сен билан бирга қувонччи ҳам, ташвишни ҳам кўтарадиган инсоннинг қадрини баъзан кеч англайсан. Унинг меҳрини оддий нарса деб қабул қилма. Бир оғиз яхши сўзни аямай айт. Чунки баъзи сўз-ларни инсон айтмоқчи бўлиб юради... Аммо вақт кутмайди. Дўстларингни қадрла. Ҳар ким ҳам сенинг қувончинга чин дилдан қувонавермайди. Ҳар ким ҳам қийин кунингда ёнингда турмайди. Сенга оғир кунингда қўлини узатган инсонни эса умринг охиригача унутма! Одамларга яхшилик қил. Балки унинг жавобини олмассан. Балки қилган яхшилигининг ҳеч ким билмас. Лекин сен билсанг бўлди. Яхшиликнинг энг катта мукофоти инсоннинг ўз қалбида қоладиган хотиржамлик экан. Ўзингни ҳам асра, ҳамма учун курашиб, ўзингни унутма, соғлигингни қадрла, вақтида дам ол, кўпроқ сайр қил, кўпроқ қул, яқинларинг билан кўпроқ суҳбатлаш. Чунки етмиш ёшга келганингда инсон мол-дунёсини эмас, ўтказиб юборган вақтларини кўпроқ ўйлар экан. Мен сен-га яна бир сирни атай: ҳаётда ҳамма нарсани назорат қила олмайсан. Баъзи инсонлар кетади, баъзи режалар амалга ошмайди, баъзи орзуларинг кечикади. Бундан хафа бўлма. Баъзан сен “бахт-сизлик”, дея ўйлаган нарсанг ортидан катта бир яхшилик келади. Шунинг учун тақдирга ишон, сабр қил, дуо қил ва ҳаракатдан тўхтама. Етмиш ёшга кирганимда шуни ан-ладим: умр йиллар сони эсам экан. Умр – кимнингдир дусида қолган изинг, фарзандларинг қалбида қолган меҳринг, одамларнинг сен ҳақингда айтган яхши сўзи, қийин куни бир инсонга берган ёрдамнинг ва кечқурун ёстиққа бош қўйганда: “Бугун бировга оз бўлса ҳам яхшилик қилдим”, дея хотиржам ухлай олишинг экан. **Нормамат АЛЛАЁРОВ,** Ўзбекистон фермерлар кенгаши ҳузуридаги Фермер ҳўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси хойми, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

САҲНА – ҚАЛБЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ МАЪНАВИЙ МАСКАН



(Боши 1-саҳифада)
– **Театрнинг бугунги мусиқали драма йўнали-ши қачон шаклланган?**
– 1963 йилда театр мусиқали драма ва комедия театрига айлантирилди. Шундан сўнг мусиқали асар-лар репертуарда асосий ўринни эгаллай бошлади. “Алпомиш”, “Тули снёк”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ҳалима”, “Лайли ва Мажнун” каби асарлар саҳналаштирилди. Бироқ театр фақат мусиқали жанр билан чекланиб қолмади. Драма, комедия, трагикомедия, тарихий ва замонавий мавзулардаги асарлар ҳам доимо репер-туардан ўрин олиб келган. Шу жиҳатдан Наманган театрининг ижодий киёфаси ранг-баранглиги билан ажралиб туради.
– **Театр тарихида буюк актёрлар ва режиссёр-ларнинг ўрни бекиёс. Бутун театрнинг анъаналари қай даражада давом эттирилмоқда?**
– Театр - авлодлар эстафетаси. Наманган саҳна-сида Ўзбекистон халқ артистлари Раззоқ Ҳамроев, Мукаррама Азизова, Маърифат Убайдуллаева, Собир Раҳмоний, Мухриддин Мансуров, Хабиба Охуно-ва, Маматхон Убайдуллаев, Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев, Турсуной Мамедова каби қўллаб забардаст санъаткорлар ижод қилган. Уларнинг ҳар бири ўз мактабини яратган, театр тарихида ўчмас из қолдирган.
Бугун эса бу анъанани тажрибали санъаткорлари-миз ёшларга ўргатмоқда. Мирмаҳмуд Мусабоев, Маъ-руфжон Ниязов, Баходир Жўраев сингари устозлар ёш актёрларга саҳна сирларини ўргатиб келмоқда.
Ёшлар орасида Нуриддин Исмоилов, Зайниддин Қирғизов, Абдор Мухиддинов, Асила Аҳмедова, Ак-мал Саримсоқов каби истеъдодли ижодкорлар бор.
Устоз-шогирд анъанаси сақланаётгани театри-мизнинг энг катта бойлиқларидан биридир.
– **Мустақиллик йилларида театр ижодига қан-дай ўзгаришлар юз берди?**
– Мустақиллик йиллари театр учун янги ижодий имкониятлар даври бўлди. Миллий тарихимиз, буюк

аждодаларимиз, миллий қадриятларимиз, инсон тақ-ди ва маънавияти билан боғлиқ мавзуларга кенг йўл очилди. “Усмон Носир қаерда?”, “Мадаминбек”, “Наманган алласи”, “Қирол Лирнинг сўнгги наби-ралари”, “Алпомишнинг ўк ёйи”, “Ибрат”, “Ўткан кунлар”, “Майсаранинг иши” каби асарлар саҳна-лаштирилди.
Айниқса, маҳаллий драматургларнинг асарлари-ни саҳнага олиб чиқишга катта эътибор берилмоқда.
– **Театрнинг республика ва халқаро фестивал-лардаги иштирокини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкинми?**
– Албатта. Ижодий жамоамиз бир қатор респу-блика ва халқаро фестивалларда муносиб иштирок этган. 1998 йил “Андижон баҳори” республика театр фестивалида “Усмон Носир қаерда?” спектакли билан иштирок этдик. 2001 йилда Тошкентда ўтказилган классик асарлар республика фестивалида “Қирол Лирнинг сўнгги набиралари” спектакли билан кат-нашиб, актриса А. Каримова “Энг яхши эпизодик роль учун” номинациясига сазовор бўлди.
2006 йилда “Дебют-2006” республика кўрик-фестивалида “Бор” спектакли билан биринчи ўринни эгалладик. Ушбу спектакль билан 2007 йилда Турк-менистондаги халқаро фольклор ва қўшиқ фестивалида ҳам иштирок этдик.
Кейинги йилларда “Дебют-2008”, “Сени қуйлай-миз, замондош!”, “Дебют-2018” каби фестивалларда ҳам жамоамиз муносиб қатнашди.
Қўшни Қирғизистонда ўтказилаётган “Арт Ордо” каби фестиваллардаги иштирокимиз ҳам ижодий алоқаларимизни янада мустаҳкамламоқда.
– **Театрнинг 95-мавсуми ҳам тантанали тарзда бошланди. Янги мавсум қандай мақсадлар билан бошланди?**
– 95-мавсумнинг очилиши биз учун катта воқеа бўлди.
Тантанали маросимда вилоятимиз ҳоқими



Мавсумнинг энг муҳим воқеаларидан бири Султон Раев асари асосида режиссёр Гийсиддин Мирзамаҳмудов саҳналаштирган “Лайлаклар но-ласи” спектаклининг намойиши бўлди. Асарда инсон тақдир, Ватан, соғинч ва ҳаёт қадри каби муҳим мавзулар кўтарилган.
– **Ҳозирги кунда театр репертуарида қайси спектакллар бор?**
– Бугунги репертуаримиз мазмун ва жанр жиҳати-дан ранг-баранг. Жумладан, Нурило Аббосхоннинг “Ибрат”, “Азиз” асарлари, Ўлмас Умарбековнинг “Виждон амри”, Асрор Самаднинг “Сохибқирон Амир Темури ёҳуд адолат қиличи”, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий-нинг “Майсаранинг иши”, Саид Аҳмад асари асоси-даги “Таниш чехралар”, О. Ҳокимовнинг “Бу чоллар – ажиб чоллар”, А. Цегареллининг “Хонума Хоним”, А. П. Чеховнинг “Таклиф”, Э. Вокидов асарлари асоси-даги “Матмуса”, Х. Маллабоевнинг театрлаштирилган концерт дастури каби спектакллар томошабинларга тақдим этилмоқда. Шунингдек, “Манас ўғли Семе-тей” спектакли ҳам қардош Қирғизистон адабиёти ва санъати билан ижодий ҳамкорлигимизни намоён этади.
– **Асрор Самаднинг “Сохибқирон Амир Темури ёҳуд адолат қиличи” драмаси ҳақида алоҳида тўхталансангиз.**
– Тарихий мавзуларни саҳнага олиб чиқиш катта масъулият талаб қилади. “Сохибқирон Амир Темури

ёҳуд адолат қиличи” драмаси давлат буюртмаси асо-сида саҳналаштирилган. Спектаклини Ўзбекистон санъат арбоби Карим Юлдашев саҳнага олиб чиққан. Амир Темури сиймоси орқали давлатчилик, адолат, юрт тақдир, халқ маффаати каби тушунчаларни ёритиш бугунги томошабин учун ҳам муҳим.
– **Театрнинг бугунги моддий-техник имконият-лари ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.**
– Театр биноси 1957 йилда махсус лойиҳа асо-сида қурилган. Кейинги йилларда уни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.
2010 йилда капитал таъмирлаш ишларига 1 мил-лиард 566 миллион сўм маблағ сарфланган. 2017 йил учун маҳаллий бюджетдан 1 миллиард сўм ажра-тилиб, 2018 йилда бинонинг иккинчи ва учинчи қаватлари ҳамда ташки фасадига таъмирлаш ишлари амалга оширилган.
Бугунги кунда театрда 86 нафар ижодий ва тех-ник ходим меҳнат қилмоқда.
Шунингдек, томошабинлар театрга ташриф бу-юрганда унинг тарихини янада ақинроқ ҳис қилиши учун фойеда устоз санъаткорлар фотосуратлари, саҳна либеласи, рекевизитлар, мусиқа асбоблари ва декорация намуналаридан иборат кўргазмалар ташкил этилган.
– **Томошабинлар эътибори қандай? Театрга қизиқчи борми?**
– Бу борадаги кўрсаткичлар бизга катта куч ва илҳом беради. Айни пайтда театримизда намойиш этиладиган спектакллارга қизиқиш юқори. Бугун театр ҳар куни соат 13:00 ва 15:00 ларда томоша-бинларга спектакллар намойиш этилмоқда. Биз учун энг катта ютуқ залнинг тўла бўлиши эмас, балки томошабин спектаклдан кейин залдан қандай та-ассурот билан чиқиши.
– **Демак, театрнинг вазифаси фақат кўнгило-чар томоша кўрсатиш эмас.**
– Театр – маънавият маскани. Саҳна орқали инсонни ўйлантириш, эзгуликка чорлаш, Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, инсон қадри, адолат ва виждон каби туйғуларни қучайтириш мумкин. Ай-ниқса, ёш авлод тарбиясида театрнинг ўрни бекиёс. Шу боис, репертуар танлашда асарнинг бадиий қим-мати билан бирга, унинг маънавий-таълимий аҳа-миятига ҳам катта эътибор қаратамиз.
– **Яқин келажақда томошабинларни қандай янгилликлар кутмоқда?**
– Ижодий режаларимиз кўп. Миллий драма-тургиянинг сара намуналари билан бир қаторда жаҳон классикаси асарларини ҳам саҳналаштириш ниятидамиз.



Айни пайтда режиссёр Шуҳрат Абдуллаев то-монидан “Эврилиш” ҳамда дебют режиссёр Бобур Жўрақулов томонидан “Айиқ” спектакллари саҳна-лаштириш жаънайлари давом этмоқда. Янги спекта-клар тез кунларда томошабинларга тақдим этилади.
Шунингдек, ижодий сафарлар ва гастрольлар режалаштирилмоқда. Қирғизистон ва Тожикистон республикаларига, шунингдек, Америка Қўшма Штатларига гастроль сафари масалалари устида иш олиб борилмоқда.
– **Суҳбатимиз якунида театрнинг келажақдаги бош мақсадини қандай ифодалаган бўлардингиз?**
– Бош мақсадимиз – қарийб бир аср давомида шаклланган анъаналарни муносиб давом эттириш. Биз миллий санъатимизнинг бой тажрибасига таянган ҳолда замонавий томошабини ўйлантира-диган, унинг қалбига йўл топадиган, юксак бадиий савиядаги спектакллار яратишга интиламиз.
Театрда янги авлод ижодкорларини тарбиялаш, устоз-шогирд анъанасини мустаҳкамлаш, миллий ва жаҳон драматургиясининг сара асарларини саҳнага олиб чиқиш доимий вазифаларимиздан.
Наманган театрининг 95-мавсуми бу бир мавсум-нинг эмас, балки қарийб бир асрлик санъат макта-бининг давоми. Биз томошабин ишончини оқлаш, саҳнага ҳар сафар янги фикр, янги руҳ ва янги нафас билан чиқиш учун меҳнат қиламиз.
Зеро, саҳнада айтилган бир оғиз сўз, ижро этил-ган бир образ ёки яратилган бир спектакль инсон қалбида йиллар давомида яшаши мумкин.
– **Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат. Ижодий жамоага янги мавсумда улкан муваффақиятлар тилаймиз.**
– Эътиборингиз учун раҳмат. Томошабинла-римизни театрда, янги спектаклларимизда кутиб қоламиз.

Qishloq hayoti

MUASSISLAR:

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi kompleksi
tarkibidagi hamda
boshqa daxldor
vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat HAMROYEV, Narzullo OBLOMURODOV,
Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,
Raimkul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan
2009-yil 13-fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi,
qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.

Buyurtma G-817. 1900 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: **Маркс YUSUPOV.**

Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.

E-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Bosmaxona manzili: "Buyuk Turo" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 20.00